

**«ТАСДИКЛАНГАН»**

**Кузатув кенгаши томонидан**

2022 йил «30» ноябрдаги  
9-сон баённома

**«КВАРЦ» АЖНИНГ  
(ташкilot номи)**

**2023 йил учун**

**БИЗНЕС РЕЖАСИ**

Давлат номидан акциядор  
(иштирокчи, таъсисчи)  
функциясини бажарувчи ташкилот  
номи

**”UzAssets Investitsiya Kompaniyasi”**  
**АЖ**

Идоравий мансублиги

**Акциядорлик жамияти**

Почта манзили, е-хат манзили  
(ёки электрон почта манзили)

**quartznew@mail.ru**

СТИР

**200124765**

Ижроия органи раҳбари

**Буриев Акмал Ибрагимович**

Бош бухгалтер

**Ким Евгений Павлович**

## М У Н Д А Р И Ж А

### I. Корхона тўғрисида умумий маълумот

- 1.1 Корхона реквизитлари (умумий маълумотлар, корхона паспорти);
- 1.2 Корхона тарихи, охириги йилларда эришиган ютуқлари;
- 1.3 Мавжуд ишлаб чиқарии қувватларидан фойдаланиши ҳолати;
- 1.4 Корхона ташкилий ва ижро этувчи аппарати бошқаруви тузилмаси, тармоқ корхоналари тўғрисида маълумот;
- 1.5 Кадрлар сиёсати, иичи-ходимлар, жумладан, корхона бошқарув ва ижроия органи аъзолари тўғрисида маълумот, ижтимоий ҳимоя;
- 1.6 Корхонанинг бозордаги ўрни ва аҳамияти, шу жумладан халқаро бозордаги мақеи;
- 1.7 Корхонада жорий этилган сифатни бошқарии тизими

### II. Корхонани ислоҳ қилиш

- 2.1 Истиқболли ривожланиши стратегияси, ислоҳ қилиши мақсади ва босқичлари, ислоҳ қилишининг 2023 йил учун режаси;

### III. Бозор ва маркетинг режаси

- 3.1 Бозор таҳлили
- 3.2 Маҳсулот (хизмат)нинг асосий истеъмолчилари, таркиби
- 3.3 Рақобат
- 3.4 Маркетинг режаси

### IV. SWOT-таҳлили

### V. Энерго ресурслар таъминоти ва уларнинг сарфи

- 5.1. Қувватларни модернизация ва реконструкция қилиши орқали энергияни тежаси ва самарадорликни ошириши бўйича Техник сиёсати

### VI. Кўрсаткичлар

#### 6.1 Ишлаб чиқарии режаси

- 6.1.1. Хомашё захираси;
- 6.1.2. Таъёр маҳсулотнинг асосий тавсифлари
- 6.1.3. Жорий (2 йиллик) ишлаб чиқарии ҳолати
- 6.1.4. Ишлаб чиқарии ва сотии режаси

#### 6.2 Молиявий режса

- 6.2.1 Жорий (2 йиллик) молиявий кўрсаткичлар

- 6.2.2 Молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар режаси (бюджети)
- 6.2.3 Даромадлар шаклланишининг асосий манбаи (нархлар прогнози)
- 6.2.4 Харажатлар ва таннархни оптималлаштириши.
- 6.2.5 Пул оқимлари прогнози
- 6.2.6 Молиявий барқарорлик, ликвидлилик ва тўлов қобилияти, қарздорлик (ички ва ташқи), кредитлар юки
- 6.2.7 Давлат бюджетига тўловлар прогнози
- 6.2.8 Молиявий кўрсаткичларнинг ўхшаи корхоналар билан солиштирилиши (бенчмаркинг)

## **VII. Иш хақи тўлаш тизими**

## **VIII. Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (KPI)**

- 8.1. Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари
- 8.2. Қўшимча кўрсаткичлар режаси ва салмоқ ўлчови

## **IX. Ташқи иқтисодий фаолият режаси (экспорт ва импорт)**

- 9.1. Экспорт
- 9.2. “КВАРЦ” АЖнинг 2023 йил учун маҳсулот (хизмат) экспорт прогноз кўрсаткичи
- 9.3. Импорт

## **X. Маҳаллийлаштириш**

- 10.1. Махаллийлаштириши жадвали

## **XI. Бизнес рискларни (таваккалчиликларни) бошқариш**

## **XII. Экология ва атроф муҳитга таъсири**

## 1. Корхона тұғрисида умумий маълумот

### 1.1. Корхона реквизитлари (умумий маълумотлар, корхона паспорти)

“Кварц” акциядорлик жамиятининг юридик манзили Фарғона вилояти, Қувасой шаҳри, Мустақиллик кўчаси 2а да жойлашган бўлиб, асосий фаолияти шиша ва ойна маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан иборатdir.

“Кварц” АЖ ўз маҳсулотини мавжуд қувватлардан ҳамда маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланиб ишлаб чиқаришни йўлга қўйган.

Шиша бутилкаси ва банкаси ҳамда силлиқланган ойна ишлаб чиқариш “Кварц” АЖ нинг асосий фаолият тури ҳисобланади, бундан ташқари ўтга чидамли турли хилдаги ғишт ва маҳсулотлар ҳам асосий ишлаб чиқаришдан ўрин эгалаган.

“Кварц” АЖ раҳбарияти шиша буюмлар ҳамда ойна ишлаб чиқариш ва уларни сотиши соҳасида талайгина тажрибага эгаликлари ички ва ташқи бозорни шиша ва ойна маҳсулотлари билан таъминланишининг мухим омилидир.

Маҳсулотга бўлган бозор талабининг ҳамда ишлаб чиқариш суръатларининг ошиши, корхона айланма захираларининг ва ялпи фойданинг кўпайишига олиб келади.

“Кварц” АЖ 1975 йилда ташкил этилган бўлиб

Ташкилий-хуқуқий шакли – очиқ турдаги

Фаолият тури – ойна ва шиша идишлар ва шиша маҳсулотлар ишлаб чиқариш

Тармоқ - қурилиш материаллари

Юридик манзили –

Устав капитали - 165 410 408 870,00 сўмни ташкил этиб қўйидагича тақсимланган: 89,78 % улуши Инвест компания «UZASSETS»

10,22 % улуши бошқа акциядорлар

СТИР – 200124765

Ҳисоб рақами ва хизмат кўрсатувчи банки – 20210000400214148001 АТБ “Асакабанк” Фарғона вилояти филиали

“Кварц” АЖ корхона Фарғона вилояти Қувасой шаҳридаги Давлат хизматлари маркази томонидан 05.07.1995 йил 001-сон билан рўйхатга олинган ва низом асосида фаолият юритади.

Уставга мувофиқ корхона фаолиятининг асосий йўналишлари қўйидагилардан иборат:

- Шиша буюмлар ишлаб чиқариш ва сотиши;
- Улгуржи ва чакана савдо;
- Истеъмол моллари ишлаб чиқариш.

Корхонанинг асосий вазифаси истеъмолчига етказилаётган маҳсулот ва кўрсатилаётган хизматларнинг сифатини жаҳон андозаларига мос келадиган даражада қўлга киритиш ва қўллаб қувватлашдан иборатdir. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг юқори сифати, қулай иқтисодий мухитни

шакллантириш, ижтимоий барқарорликни таъминлаш, қўшимча иш ўринлари яратиш, муттасил ривожланиб, такомиллашиб бораётгани билан корхона нафақат Ўзбекистон, балки хорижий давлатлар томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

“Кварц” АЖ доимий равишида маънавий ва жисмоний жихатдан янгиланишни ҳамда эскирган ускуналарни замонавий энергия тежамкор ускуналар билан алмаштиришни амалга оширади.

Модернизация қилиш ва технологик қайта жихозлаш бўйича ишлар жадаллашгани, инқирозга қарши чора дастурлари хаётга тадбиқ этилаётгани маҳсулотларимизда ҳам, бутун мамлакатимизда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Эскирган механик бошқарув мосламалари электрон қурилмаларга алмаштирилди, енгил шиша ишлаб чиқилиб, ишлаб чиқаришга жорий этилди. Автоматлаштирилган дастгохларни ўрнатиш билан ишлаб чиқаришни техник қайта жихозлаш жорий этилди, бу қолипларни юқори сифатли тозалашга олиб келади, тўпламлар қолиплари ва шиша шакллантирувчи дастгохлар учун юқори аниқлиқдаги қисмларни ишлаб чиқариш учун мўлжалланган фрезерлаш машинаси ўрнатилди, мураккаб конфигурация асбобларини юқори сифатли чархлаш учун универсал чархлаш машинаси ўрнатилди.

2021 йилда силлиқланган ойна ишлаб чиқариш янги линиясининг ишга туширилиши йилига 500 млрд.сўмдан зиёд корхонанинг айланма маблағларини ошишига олиб келди, бундан ташқари мамлакатимиз ва ташқи бозорни сифатли катта форматли ойналар билан таъминлаш корхонанинг асосий вазифаларидан биридир.

### “Кварц” акциядорлик жамиятининг

#### ПАСПОРТИ

|           |  |  |
|-----------|--|--|
| <b>1.</b> | Корхона раҳбари:   | Буриев Акмал Ибрагимович   |
| <b>2.</b> | Корхона манзили  | Фарғона вилояти, Кувасой шаҳар Мустақиллик кўчаси, 2а уй, инд: 150900  |
| <b>3.</b> | Телефон рақами, электрон почтаси                                 | Тел.8(373) 372-44-14, qvartznew@mail.ru  |
| <b>4.</b> | Хизмат қўрсатувчи банк   | АҚБ «Асакабанк» Фарғона филиали  |
| <b>5.</b> | Корхона ташкил этилган йил                                       | 1975 йил   |
| <b>6.</b> | Модернизация қилинган ёки техник жихатдан қайта жихозланган йили | <p><b>1.</b> Силлиқланган ойна ишлаб чиқариш бўлими 2002 йилда Италияning «ТЕКИНТ» фирмаси хамкорлигига реконструкция қилиниб янги линия ишга туширилган.</p> <p><b>2.</b> Шиша маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи 2-бўлимида 2017 йилда Италияning “Bottero” ҳамда “BDF” компаниялари хамкорлигига янги 2 линия ишга туширилди.</p> <p><b>3.</b> 2021 йилда Хитойнинг “Shanghai Pony</p> |

|     |  |  |
|-----|--|--|
|     |  | Technology Co.LTD” компанияси хамкорлигига янги ойна ишлаб чиқариш линияси ишга туширилди  |
| 7.  | Мулкчилик шакли  | Акциядорлик жамияти  |
| 8.  | Устав фонд микдори   | 165 410 408 870 сўм.   |
| 9.  | Таъсисчилари (акциядорлар)                                     | “UzAssets investitsiya kompaniyasi” АЖ улуши – 89,78%<br>Юридик ва жисмоний шахслар улуши – 10,22 %  |
| 10  | Фаолият тури:  | Шиша маҳсулотларни (шиша банка, шиша бутилка, қурилиш ойнаси) ишлаб чиқариш, юридик ва жисмоний шахсларга нақд пул ва пул ўтказиш орқали юк ташишни амалга ошириш.   |
| 11. | Ер майдони   | 73,59 га   |
| 12. | Шу жумладан ишлаб чиқаришга ихтисослашган майдон               | 16,39 га   |
| 13. | Ишлаб чиқаришда фойдаланаётгани                                | 9,8 га   |
| 14. | Корхонанинг лойихавий қуввати (маҳсулот турлари бўйича)        | Махсулот №1 - шиша банка шартли 0,5 л (натура) 269 млн.дона<br><br>Махсулот №2 - шиша бутилка шартли 0,5 л (натура) 110 млн.дона<br><br>Махсулот №3 - қурилиш ойнаси шартли 2 мм (натура) 30 млн. м <sup>2</sup>   |
| 15. | Ишлаб чиқарилган махсулот турлари                              | 3 хил – шиша банка,<br>- шиша бутилка<br>- қурилиш ойнаси  |
| 16. | Махсулот сотилиши бўйича бозор                                 | Ички ва ташқи бозор (Қирғизистон, Қозогистон, Туркманистон, Тоҷикистон, Украина, Грузия)   |
| 17. | Корхонага ўрнатилган асбоб ускуналарнинг ишлаб чиқарилган йили | 2ПВМ12А - 1973, 1987 й<br><br>Автомат ВВ-7 - 1980, 1996 й<br><br>Италия компанияси - машина Bottero”, “BDF” 8 секцияли IS-8 - 2017 й.<br><br>Италия компанияси «Текинт» ойна ишлаб чиқариш линияси - 2002 й<br><br>Хитойнинг “Shanghai Pony Technology Co.LTD” |

|   |   |   |
|---|---|---|
|   |   | компанияси, Германия, Россия - ойна ишлаб чиқариш линияси – 2021 й.   |
| <b>18.</b>  | Ишчи хизматчиларнинг умумий сони,   | - 2 540 киши  |
|   | улардан   | Эркаклар 1 788 та, аёллар 752 та  |
| <b>19.</b>  | Ўртacha ойлик иш хақи   | 3 580 минг сўм  |
| <b>Мухандислик коммуникация тармоқларининг мавжудлиги ва таъминланганлиги</b>   |   |   |
| <b>20.</b>  | Темир йўлга уланганлиги   | Уланган ва таъмирланган   |
| <b>21.</b>  | Трансформатор подстанцияси  | Мавжуд  |
| <b>22.</b>  | Газ таъминоти   | Мавжуд  |
| <b>23.</b>  | Сув ва канализация тармоғи  | Мавжуд  |
| <b>24.</b>  | Автогараж   | Мавжуд  |
| <b>2022 йилда ишлаб чиқарилган махсулот хажми (кутилаётган)</b>                 |   |   |
| <b>25.</b>  | шиша банка  | 21,603 млн.дона.  |
| <b>26.</b>  | шиша бутилка  | 17,469 млн.дона.  |
| <b>27.</b>  | курилиш ойнаси  | 25 997 минг м <sup>2</sup>  |
| <b>2023 йилда ишлаб чиқариш учун талаб этиладиган ресурсларга йиллик эхтиёж</b> |   |   |
| <b>28.</b>  | Электр энергияси  | 50 млн.квт/соат   |
| <b>29.</b>  | Табиий газ  | 78 млн.куб/метр   |
| <b>30.</b>  | Ичимлик суви  | 666 453 м <sup>3</sup> , шундан: ичимлик суви -216 729 м <sup>3</sup> , техник суви -449 724 м <sup>3</sup> , (корхона худудида 1 дона ичимлик суви, 5-дона техник суви, тик кудуклар мавжуд) |
| <b>31.</b>  | Бошқа хом-ашёлар<br><br>- кварц куми,<br><br>- доломит,<br><br>- кальцийланган сода,<br><br>- сульфат,<br><br>- гленозём,<br><br>- селитра, | 180 000 тн.<br><br>40 000 тн.<br><br>60 000 тн.<br><br>2 000 тн.<br><br>363,480 тн.<br><br>1 061 тн.  |

|  |  |   |
|--|--|---|
|  | - селен,<br>- окись кобалти,<br>- охак тош<br>- церий оксида | 1 174,8 тн.<br>0,105 тн.<br>18 250 тн.<br>7,02 тн |
| <b>2023 йилда ишлаб чиқариладиган маҳсулот хажми (прогноз)</b> |  |   |
| <b>32.</b>   | шиша банка   | 85,906 млн.дона.                                  |
| <b>33.</b>   | шиша бутилка   | 12,259 млн.дона.                                  |
| <b>34.</b>   | курилиш ойнаси   | 28 966 минг м <sup>2</sup>                        |

## 1.2 Корхона тарихи, охирги йилларда эришган ютуқлари

“Кварц” корхонаси юртимиздаги йирик ишлаб чиқариш корхоналаридан бири ҳисобланиб, 1975 йилда Ўзбекистон Республикаси ва Ўрта Осиё регионидаги консерва корхоналарига шиша идиш маҳсулотларига бўлган талабни қондириш учун қурилган. Корхонанинг асосий иш фаолияти турли хил ҳажмдаги шиша идишлар (банка, бутилка), етти хил рангдаги қурилиш ойналари шу жумладан автомобилсозлик саноати, мебель саноати ҳамда халқ хўжалиги учун мўлжалланган турли хил ойна маҳсулотларини ишлаб чиқаришдан иборат.

“Kvarts” aksiyadorlik jamiyati Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги)нинг 1995 йил 31 январдаги 26-к-ПО-сонли буйруғига мувофиқ давлат тасарруфидан чиқариш йўли билан ташкил этилган.

**Силлиқланган ойна ишлаб чиқариш цехи** 1996 йилда ишга туширилган бўлиб, 2002 йилда Италиянинг “ТЕКИНТ” фирмаси технологияларни жорий этилиши натижасида цехда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати ва турини оширишга эришилди. Шиша пишириш печининг шиша қоришмасини эритиш қуввати суткасига 200 тоннага эга, лойихавий ойна маҳсулоти ишлаб чиқариш қуввати йилига шартли 2 мм ўлчамида 10 млн.м<sup>2</sup> бўлиб, қалинлиги 2мм.дан 10мм.гача бўлган 7 хил рангдаги ойналар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

**Шиша маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехининг** 2-бўлимида янги технологиялар ёрдамида ишлаб чиқариш қуввати ҳамда маҳсулот сифати ошириш мақсадида, 2017 йилда Италиянинг “Bottero” ҳамда “BDF” компаниялари хамкорлигига янги 2 линия ишга туширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 сентябрдаги Ф-

5374-сонли “Кварц” акциядорлик жамиятида силлиқланган ойна ишлаб чиқариш янги флоат линияси қуриш инвестиция лойихасини амалга оширишини жадаллаштириш чора-тадбирлари түғрисида”ти Фармойишига асосан Хитойнинг “Shanghai Pony Technology Co.LTD” компанияси хамкорлигига қуввати суткасига 400 тонна силлиқланган ойна махсулот ( $20 \text{ млн.м}^2$ , эни 3 метр, қалинлиги эса 2мм.дан 19мм. гача) ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги флоат линияси 2021 йил июн ойида ишга туширилди.

2021 йил май ойида хом-ашё тайёрлаш цехидан янги флоат линясига шихта етказиб берувчи 300 метрли галереяси ишга туширилди.

2021 йил апрел ойида қуввати соатига 50 тонна бўлган кварц қумини бойитиш линияси «АКВ-Аппарате-Верфахрен ГмБх» (Германия) компанияси билан биргаликда ишга туширилди.

### *1.3 Мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳолати*

Корхонанинг ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш ҳолати қуйидагича:


2021 йилда Республикаиз бўйлаб қатор шиша банкаси ва бутилкаси ишлаб чиқариш корхоналари қурилиб ишга тушурирганлиги муносабати билан шиша банкаси ва бутилкасига бўлган талаб камайган. Натижада 2021 йил 6 август куни банка ва бутилка ишлаб чиқариш бўлимлари (МВП№1) №1 ва 2021 йил 6 октябрь куни (МВП№2) №2 вактинча тўхтатилган. Бунинг оқибатида мавжуд қувватдан фойдаланиш кескин камайган.

2022 йил 25 январ куни Марказий Осиё давлатларида, жумладан Ўзбекистон Республикасида электр энергияси узилиши кузатилди. Натижада ойна ишлаб чиқариш бўлимида (200тн.) авария ҳолати юзага келган. Буни бартараф этиш учун 9 ой давомида таъмирлаш ишлари олиб борилди ва 2022 йилнинг 10 октябрь кунидан махсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

### **Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш даражаси**

| <b>№</b>    | <b>Махсулот номи</b> | <b>Ўлчов бирлиг и</b> | <b>Лойиха вий қувват 2022</b> | <b>Лойиха вий қувват 2023</b> | <b>Қувватдан фойдаланиш</b> |          |                |          |
|-------------|----------------------|-----------------------|-------------------------------|-------------------------------|-----------------------------|----------|----------------|----------|
|             |                      |                       |                               |                               | <b>2022 й.</b>              | <b>%</b> | <b>2023 й.</b> | <b>%</b> |
| 1.          | Шиша банкаси         | Млн.д                 | 269                           | 269                           | 96,099                      | 35,7     | 168,531        | 62,7     |
| 2.          | Шиша бутилкаси       | Млн.д                 | 110                           | 110                           | 31,964                      | 29,1     | 11,025         | 10,0     |
| 3.          | Ойна                 | Млн.м <sup>2</sup>    | 32000                         | 32000                         | 26787,5                     | 83,7     | 28 965,8       | 96,6     |
| <b>жами</b> |                      |                       |                               |                               |                             |          |                |          |

## 1.4 Корхонанинг ташкилий ва ижро этувчи аппарати бошқаруви тузилмаси, тармоқ корхоналари тўғрисида маълумот



**Корхона тизимиға киравчи ташкилотлар рўйхати:**  
**(инвестициялари, юридик шахс мақомига эга бўлмаган тузилмалар,**  
**филиаллар)**

минг.сўм

| №                              | Корхона номи                      | Улуш миқдори (%) | Устав капитали<br>(баланс қиймати) | Фаолият йўналиши  | Олинган даромад (дивиденд) |        | Киритилган инвестициялар |        |
|--------------------------------|-----------------------------------|------------------|------------------------------------|---|----------------------------|--------|--------------------------|--------|
|                                |                                   |                  |                                    |   | 2021й.                     | 2022й. | 2021й.                   | 2022й. |
| <b>1. Тизимдаги корхоналар</b> |                                   |                  |                                    |   |                            |        |                          |        |
| 1.                             | «Кувасой - Кварц Агро» МЧЖ        | 100              | 3 369 000                          | Қишлоқ хўжалиги махсулотлар ини етиштириш                           | -                          | -      | -                        | -      |
| 2.                             | "Водий тулпорлари" МЧЖ            | 100              | 15 144 000                         | от спортини ривожлантириш, Наслчилик отларнинг зотларини кўпайтириш | -                          | -      | -                        | -      |
| 3.                             | “QURILIS HMATERI ALLARILI TI” МЧЖ | 10,8             | 50 000                             | Илмий тадқиқотлар, янги ишлаб чиқариш технологияларини жорий этиш   | -                          | -      | -                        | -      |

### 1.5 Кадрлар сиёсати

Корхонанинг кадрлар сиёсатининг асосий стратегик мақсади корхонанинг асосий мақсадига эришиш – шиша идишлар ва ойна ишлаб чиқариш бозорида етакчи ўринни эгаллашга қаратилган малакали мутахассислар жамоасини яратишидир. Ушбу мақсадлар учун кадрлар бўлими корхонанинг кадрлар буйича сиёсатини амалга ошириди. Ушбу сиёсат қуйидаги жихатларни қамраб олади:

- Кадрларни излаш ва танлаш;
- Кадрлар малакасини ошириш;
- Ходимларни рағбатлантириш;
- Жамоада ташкилий маданиятни ривожлантириш.

“Кварц” АЖ нинг кадрлар сиёсати ташкилот раҳбарияти томонидан шакллантирилади ва унинг ходимлари томонидан ўз вазифаларини бажариш

жараёнида кадрлар бўлими томонидан амалга оширилади. У қуйидаги меъёрий хужжатларда акс эттирилган:

- Ички тартиб қоидалари;
- Жамоа шартномаси.

Кадрлар сиёсати корхонанинг умумий сиёсатининг бир қисми бўлиб, асосий вазифалари:

- Корхонани малакали ходимлар билан таъминлаш;
- Ходимларнинг касбий маҳорати ва шахсий салохиятини ривожлантириш, касбий йўналтириш ва қайта тайёрлаш, малака даражасини баҳолашни ўтказиш;
- Тизимни такомиллаштириш, меҳнат фаолиятини рағбатлантириш ва меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя қилиш;
- Корхонада мавжуд кадрлар салохиятидан оқилона фойдаланиш;
- Тегишли малакали кадрларни танлаш, тайёрлаш ва жойлаштириш мезонлари ва усулларини ишлаб чиқиш;

“Кварц” АЖ нинг кадрлар сиёсатида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга, кадрларни танлаш ва жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратилган, ходимлар асосий лавозимлари ва ишчи касбларини танлаш ва жойлаштириш бўйича классификаторга мувофиқ олий ўқув юртлари билан ҳамкорликда доимий равища иш олиб борилади.

Ишчиларни асосий касблар бўйича ўқитиши қуйидагиларни ўз ичига олади:

-янги ишга қабул қилинган ишчиларни тайёрлаш, ишчиларни қайта тайёрлаш, иккинчи (турдош) касблар бўйича ишчиларни тайёрлаш, ишчиларнинг малакасини ошириш.

Янги ишга қабул қилинган ишчиларни индивидуал назарий ва амалий ўқитиши ёш мутахассисни малакалироқ мутахассисга бириктириш йўли билан амалга оширилади. Назарий ва ишлаб чиқариш машғулотлари ўқув гурухида олиб борилади.

Ишчиларни иккинчи (турдош) касблар бўйича тайёрлаш бошланғич ёки ундан юқори малака даражасига эга бўлган янги касбга эга бўлиш мақсадида ташкил этилади. Ишчиларнинг малакасини ошириш уларнинг касбий билимларини, малакаларини оширишга қаратилган. Малака ошириш таълим муассасаларида таълим фаолиятини амалга ошириш хуқуқини берувчи лицензияга мувофиқ амалга оширилади. Катта ва ўрта бўғин мутахассисларини корпоратив бошқарув тамойилларига мувофиқ тайёрлаш Корпоратив бошқарув илмий таълим марказида маҳсус курслар қошидава бошқа олий ўқув юртларида амалга оширилади. Кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш самарадорлигини ошириш мақсадида хар йили 200 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланмоқда.

Корхона раҳбарияти ижтимоий сиёсат соҳасидаги ўзининг асосий вазифасини ходимларнинг самарали ишлаши, уларнинг касбий ўсиши учун шароит яратиш, муносиб даромад олиш ва ишлаб чиқариш маданиятини ривожлантириш учун шароит яратиш деб билади. Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва меҳнат унумдорлигининг барқарор ўсиши иш хақини юқори даражада ушлаб туриш имконини беради.

“Кварц” АЖ қўйидаги ижтимоий чора тадбирларни амалга оширади, ходимларни ихтиёрий тиббий суғурта қилиш, баҳтсиз ходиса ва касалликлардан ихтиёрий суғурта қилиш, ходимларни курортларда даволанишини ташкил қилиш, ходимларнинг турмуш шароитларини яхшилашга кўмаклашиш, ишламайдиган пенсионерларни ижтимоий қўллаб қувватлаш, ходимларга ёрдам бериш, спорт ва маданий тадбирларни ташкил этиш ва жамоа шартномасида назарда тутилган бошқа бир қатор имтиёзлар шулар жумласидандир.

Корхона рахбарияти ва меҳнат жамоаси ишлаб чиқариш соҳасида билимли ва малакали мутахассислардан иборат яхши мувофиқлаштирилган жамоа бўлиб, уларнинг аксарияти мустахкам тажрибага, ишончли обрўга эга ва меҳнат унумдорлигининг йилдан йилга ошишига таъсир қиласди (2022 йилда 2021 га нисбатан меҳнат унумдорлигини ошиши 10,0 фоизни ташкил этса, 2023 йилда меҳнат унумдорлигининг 1,5 боробар ошиш суръати режалаштирилган).

Корхонада жами 2454 иш ўрни мавжуд бўлиб, улардан:

-Маъмурий-бошқарув ходимлар сони 158.

-Ишлаб чиқариш ходимлари 2296.

### **Корхонанинг бошқарув органлари тўғрисида маълумот**

| №  | ФИШ   | Ловозими (иш жойи),<br>фаолият қўрсатиш<br>даври                | Корхонадаги улуши  |
|--|---|---|--|
| <b>I. Акциядорлар (иштирокчи, мулқдор)</b> |   |   |  |
| 1.   | Акциядор (иштирокчи,<br>мулқдор)<br>- “UzAssets investitsiya<br>kompaniyasi” АЖ.<br>- 45 та юридик шахслар<br>- 5960 та жисмоний<br>шахслар |   | Акциядорлар:<br>▪ Йирик акциядорлар - 89,78 % (86 594 622 дона<br>акция)<br>▪ Юридик шахслар - 1,99% (1 915 529 дона<br>акция)<br>▪ Жисмоний шахслар - 8,23% (7 939 067 дона<br>акция) |
| <b>II. Кузатув кенгаши аъзолари</b>        |   |   |  |
| 2.   | Абидов Шерзод<br>Абдусаматович  | Вазирлар Маҳкамаси<br>котибият мудири                           | -  |
| 3.   | Базаров Аслиддин<br>Рашидович   | Вазирлар Маҳкамаси<br>бўлим мудири                              | -  |
| 4.   | Каримов Алишер<br>Нишанович   | Адлия вазири ўринбосари   | -  |
| 5.   | Қурбоналиев Санжар<br>Сабриддинович   | Давлат активларини<br>бошқариш агентлиги<br>Департамент бошлиғи | -  |
| 6.   | Маматов Одилjon<br>Абдугапаровиҷ  | Давлат активларини<br>бошқариш агентлиги<br>Департамент бошлиғи | -  |

|                           |                                       |  |                          |
|---------------------------|---------------------------------------|--|--------------------------|
| 7.                        | Зарипов Дилмурод<br>Бахромович        | “UzAssets investitsiya kompaniyasi” АЖ<br>Бошқарув раиси<br>ўринбосари                   | -                        |
| 8.                        | Сайфуллоев Абдулазиз<br>Саъдулло ўғли | Давлат активларини бошқариш агентлиги бўлим бошлиғи                                      | -                        |
| 9.                        | Хакимов Шерзод<br>Набижанович         | Бўш турган обьектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази бўлим бошлиғи          | -                        |
| 10.                       | Реджабоев Хасан<br>Акмалович          | Висконсин-Мадисон<br>(АҚШ) университети тадқиқотчиси (мустақил аъзо)                     | -                        |
| <b>III. Ижроия органи</b> |                                       |  |                          |
| 11.                       | Буриев Акмал<br>Ибрагимович           | “Кварц” АЖ Бошқарув раиси, (2022 йилдан)   | -                        |
| 12.                       | Турсунбаев Сахиб<br>Сабирович         | “Кварц” АЖ Бош мухандис (2022 йилдан)  | 0,004% (4574 дона акция) |
| 13.                       | Ташбалтаев Бахтиёржон<br>Рустамович   | “Кварц” АЖ Бошқарув раисининг маркетинг ва тижорат шлари бўйича ўринбосари (2022 йилдан) | -                        |
| 14.                       | Мамадалиев Вахид<br>Валижанович       | “Кварц” АЖ Бошқарув раисининг молия бўйича ўринбосари (2022 йилдан)                      | -                        |
| 15.                       | Умаров Дилшод<br>Шухратович           | “Кварц” АЖ Бошқарув раисининг умумий масалалар бўйича ўринбосари (2022 йилдан)           | -                        |
| 16.                       | Дадабаев Сарвар<br>Хамидуллаевич      | “Кварц” АЖ Хавсизлик хизмати бошлиғи (2022 йилдан)                                       | -                        |
| 17.                       | Маматов Хусниддин<br>Музafferхонович  | “Кварц” АЖ Юридик хизмати бўлим бошлиғи (2022 йилдан)                                    | -                        |
| 18.                       | Қўчкоров Раимжон<br>Хакимович         | “Кварц” АЖ Бош механик (2022 йилдан)   | 0,004% (4574 дона акция) |
| 19.                       | Юсуфжонова Ёдгорой<br>Холматовна      | “Кварц” АЖ Бизнес ривожини стратегик режалантириш бўлими бошлиғи (2022 йилдан)           | 0,002% (2287 дона акция) |

## *1.6 Корхонанинг бозордаги ўрни ва аҳамияти, шу жумладан халқаро бозордаги мавқеи*

“Кварц” АЖ йирик корхона бўлиб, маҳсулот ички бозор талабини тўлиқ қондириб, кўплаб давлатларга: Қозоғистон, Туркманистон, Тоҷикистон, Қирғизистон, Грузия, Украина, Афғонистонга экспорт қилинмоқда.

2010 йилда “Кварц” АЖ рангли ойна ишлаб чиқаришни ўзлаштириди. Илгари бундай ойналар республикага Хитой, Россия, Туркиядан олиб келинган, бу эса ўз навбатида хорижий валютанинг катта харажатларига олиб келган.

Корхонада кейинги йилларда замонавий турдаги асбоб-ускуналарни ўзлаштириш ва ишлаб чиқаришга тадбиқ қилиш муносабати билан халқаро стандартларга жавоб берадиган юқори сифатли янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятига эришилди. Бунинг натижаси Россиядаги “Лавры славы” ва «Золотой ягуар» халқаро мукофотлари-бизнесдаги бенуқсон обрўси ва юқори сифатли маҳсулоти ва хизматлари учун, “Сифатдаги етакчилик учун” халқаро юлдузи - сифатга интилиши, инновациялар ва илфор технологияларни жорий этиши учун, “Халқаро сифат стандарти” дипломи- маҳсулотлар сифат стандарти талабларига мувофиқлиги учун, “Ишончли хамкор” унвони – “Халқаро хамкорлик ва экспорт – хорижий мамлакатлар бозорларига кириб боришнинг замонавий имкониятлари” конференциясида иштирок этгани учун халқарр мукофотларга сазовор бўлди.

“Кварц” АЖ ишлаб чиқариш бозорида ўз ўрнини, мавқеини сақлаб қолишини таҳдиди. Ушбу мақсадга эришиш учун компания замонавий технологик салоҳиятга эга ва бундан кейин хам шундай бўлади, хамкорлар билан барқарор бизнес алоқаларини ўрнатади, мослашувчан маркетинг стратегиясини ишлаб чиқади

Ушбу Бизнес режани амалга ошириш жараёнида корхона ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, Қарорлари ва бошқа меъёрий хужжатлар орқали амалга оширади.

Бозор, маркетинг тадқиқотлари ва тадбиркорларнинг илфор тажрибалари шуни кўрсатдики, ҳар қандай ишни ташкил қилишда доимо бозор конъюнктурасини ўрганиш керак. Ушбу бизнес режа қўйидаги тадбирларни амалга оширишни кўзда тутади:

-Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турларини кўпайтириш;

-Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш орқали ишлаб чиқаришни ривожлантириш;

-Нархи баланд бўлмаган маҳсулотларни ишлаб чиқариш;

-Ишлаб чиқарилган маҳсулотларни етказиб бериш хизматини йўлга кўйиш;

Корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг 88% ички бозорга сотиш, қолган қисмини МДҲ давлатларига экспорт қилиш режалаштирилган.

Корхона соғлом рақобат доирасида бошқа ишлаб чиқарувчилар билан рақобатлашишга тайёр ва уларнинг орасида етакчи ўринни эгаллаган. Маҳсулотларни сотиш соҳасида маҳсулот сотишга таъсир қилувчи асосий омиллар бу:

- Махсулотнинг нархи
- Махсулот сифати
- Ишончлилик
- Уз муддатида маҳсулотни етказиб бериш

### *1.7 Корхонада жорий этилган сифатни бошқариши тизими*

Ички бозорда етакчиликни сақлаб қолиш ва қурилиш саноатининг халқаро майдонга фаол интеграциялашув учун “КВАРЦ” АЖ стратегик йўналишларига мувофиқ ўз олдига қуидаги мақсадларни ишлаб чиқди.

Сифат соҳасидаги асосий вазифа истеъмолчилар талаби ва талабларига жавоб берадиган рақобатбардош маҳсулот ва хизматларни яратиш ва корхонанинг барқарор молиявий ҳолатини таъминлашдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш учун корхонада ҳар бир ходимнинг вазифаси “Биз қилаётган ҳар бир нарсада масъулият ва сифат” тамойилига асосланган.

Мақсадга эришишнинг асосий воситаси ИСО 9001, ИСО 50001 талабларига жавоб берадиган жараён ёндашувига асосланган сифат менежменти тизимиdir.

Куидаги кўйилган вазифаларни ҳал қилиш орқали мақсадга эришилди:

- истеъмолчиларнинг жорий ва келажақдаги талаблари ва истиқболларини мунтазам таҳлил қилиш ва маҳсулотимиздан қониқишини объектив баҳолаш;

- ўзаро манфаат ва узлуксиз такомиллаштириш тамойиллари асосида етказиб берувчиларни танлаш ва ривожлантиришнинг самарали тизимини яратиш;

ҳар бир ходимни маҳсулот сифатини узлуксиз ошириш жараёнига жалб қилиш учун қулай мухит яратиш, сифат соҳасида кадрларни тизимли равища тайёрлаш; замонавий усувлар, техник лойиҳалаш воситалари ва илгор технологияларни жорий этиш орқали унинг ривожланиш босқичида маҳсулот сифатини режалаштириш;

- сифатни таъминлаш механизмларини жойлаштириш орқали ишлаб чиқариш жараёнида маҳсулот сифатини бошқариш;

- белгиланган талабларга мувофиқ маҳсулот яратиш жараёнларини ахборот таъминоти

- хавфларнинг номақбул таъсирининг олдини олишга қаратилган, шунингдек истеъмолчиларнинг келажақдаги эҳтиёжлари ва талабларини ҳисобга олган ҳолда маҳсулот сифатини ошириш чора-тадбирлари самарадорлигини таъминлаш.

- Истеъмолчилар талабларига, қонунчилик ва меъёрий хужжатларга тўлиқ жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш;

- ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва ишлаб чиқаришга таълуқли бўлмаган харажатларини камайтириш.

- ходимларнинг касбий даражасини узлуксиз такомиллаштириш.

“КВАРЦ” АЖ раҳбарияти юклangan вазифаларни бажаришни ўз зиммасига олади:

- ишлаб чиқаришнинг барча ходимлари томонидан сиёсатни тушуниш ва тушунишни таъминлаш;

-СБТНИНГ самарали ишлаши ва узлуксиз такомиллашуви учун барча имкониятлардан фойдаланиш;

-корхона сифат менежменти тизимининг самарадорлиги учун шахсий жавобгарликни юқори раҳбарият зиммасига юклансин;

-барча раҳбар ходимларнинг етакчилигини таъминлаш, мақсадларни аниқ белгилаш, ишлаб чиқариш цикли давомида ходимларнинг ваколати ва маъсулиятини тақсимлаш;

-сифат менежменти ва умуман корхонанинг фаолиятида хавфларни ҳисобга олиш принципларни қўллаш;

-ишчи кучига ишончли муносабатлар тамойили ўрнатиш, унда асосий нарса сабабни аниқлаш ва номувофиқликни бартараф этиш, унинг тақрорланишига йўл қўймаслик ва айборни жазоламасликдир;

-ИСО 9001 халқаро стандарти талабларига мувофиқ сифат менежменти тизимининг ишлашини ва жараёнларнинг самарадорлигини баҳолаш асосида уни доимий такомиллаштиришни таъминлаш;

-янги турдаги маҳсулотлар ва илғор технологиялар ва маҳсулот сифатини назорат қилиш тартибларини ишлаб чиқишини такомиллаштириш;

-капитал қўйилмалар режасини амалга оширишни ўзлаштириш;

-ишлаб чиқаришни зарур ресурслар билан таъминлаш;

-ходимларнинг қобилияtlари ва етакчи салоҳиятидан фойдаланган ҳолда кадрлар тайёрлаш ва сертификатлашни кафолатлаш;

-истеъмолчилар ва етказиб берувчилар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ўрнатиш ва қўллаб-куватлаш.

## 2 Корхонини ислоҳ қилиш

Корхона давр ва харидорлар талабига доимо тахлил қилган ҳолда ўзининг истиқболли ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқкан ва уларнинг амалга оширилишини режалаштирган:

-Корхонада мавжуд бўлган шиша идишларни ишлаб чиқариш линиясини (МВП №1) реконструкцияси амалга оширилиб, гулли ойна ишлаб чиқаришга мослаштириш (2021-2026 йиллар)

-Корхонада мавжуд бўлган силлиқланган ойна ишлаб чиқариш линиясини сўнги илғор технологиялар ёрдамида ишлашини таъминлаш ва кувватини 200тн.-350тн.гача ошириш. (2021-2026 йиллар)

-Силлиқланган ойна урнига қопламали ойна ишлаб чиқариш учун зарур ускуналар харид қилиш (2022-2026)

Бундан ташқари 2023 йилда сифатни янада ошириш мақсадида эскирган ускуналарни янгилаш:

-силлиқланган ойна сифатини назорат қилиш ускунаси (2022-2023йиллар)

-хом-ашёни кимёвий тахлил қилиш учун энергодисперсион спектрометр ускунасини харид қилиш (2022-2023 йиллар).

### 3 Бозор ва маркетинг режаси

#### 3.1 Бозор таҳлили

“Кварц” акциядорлик жамиятида қурилиш учун ойналар, озиқ овқат саноати учун шиша идишлар ишлаб чиқарилади. Бу маҳсулотларга бўлган талаб қайта ишланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабнинг юқорилиги ва қайта ишлаш саноатини ривожлантириш имкониятларининг катталиги билан белгиланади. Кейинги 25 йилда республикада сабзавотчилик, полизчилик, боғдорчилик ва узумчилик айниқса жадал ривожланди. Шу вақт ичида боғ ва узумзорларнинг экин майдони қарийиб икки баробар, мева, резавор мева ва узумнинг ялпи хосили эса тўрт баробардан зиёд кўпайди.

Республикамида етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг катта хажмлари, мева-сабзавотларнинг мавсумий пишиб етиши уларни қайта ишлашга, демак, шиша идишларга бўлган эхтиёжни юзага келтирмоқда.

Шу билан бирга, уй жой ва фуқаролик қурилишидаги юқори ўсиш суръатлари силлиқланган ойналарга бўлган доимий талабни келтириб чиқармоқда.

Ишлаб чиқарилаётган шиша маҳсулотларининг рақобатбардошлиги, маҳсулот таннархининг пастлиги хамда сифатлилигидандир. Бунга корхонанинг юқори даражадаги маҳаллийлаштирилиши, арzon меҳнат ва энергия ресурслари, металдан қолип ясаш ва ўтга чидамли ғишт маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехлари мавжудлиги. Бу каби ёрдамчи цехлар ёрдамида корхона харидорлар учун эксклюзив шиша банкаси ва бутилкаларни таклиф қиласди.

#### 3.2 Маҳсулот (хизмат)нинг асосий истеъмолчилари, таркиби

Айни пайтда силлиқланган ойнанинг бозори Ўзбекистоннинг ички бозори хисобланади. Асосий истеъмолчилар ойнага қайта ишлов берувчилар ҳисобланиб булат: автомобил ойнасини ишлаб чиқарувчилар, ойнани тоблаш цехлари ва қурилиш ташкилотлари дидир.

Шиша банкасининг асосий харидорлари бу, консерва корхоналари ва ахоли хисобланади.

Шиша бутилкаларнинг асосий харидорлари алкоголли шунингдек кам алкоголли ва алкогольсиз ичимликлар, парфюмерия хамда дори-дармон маҳсулотларини қўйиш, сақлаш ва ташиш учун кенг қўлланилади. Энг харидорбоб шиша бутилкалари 0,45;0,5;0,7 л. хажмдагилари бўлиб, шулардан 0,45 л.хажмли шиша бутилкасига бозорнинг 38,9% улуши тўғри келади.

#### 3.3 Рақобат

Бугунги кунда шиша маҳсулотлар бозори сезиларли даражада кенгаймоқда. “ҚВАРЦ” акциядорлик жамиятидан ташкари бир қатор бошқа ишлаб чиқарувчилар фаолият олиб бормоқда:

- ООО «SIRDARYO UNIVERSAL OYNA» 50мл.-1000мл.гача қуввати 102 млн. дона.

- ООО "HORAZM SHISHA IDISHLARI" 50мл.-1000мл.гача қуввати 40 млн.

дона.

- ООО «Каракалпак стеклотара» 50мл.-700мл.гача қуввати 32 млн. дона.
- АО «АСЛ ОЙНА» 50мл.-1000мл.гача қуввати 225 млн. дона.
- ИП ООО «CAMPALIA» » 50мл.-1000мл.гача қуввати 200 млн. дона.
- MCHJ TORTKOL SHISHA IDISHLARI 50мл.-3000мл.гача қуввати 100 млн. дона
- ИП ООО "Mingyuan Silu Industry" силлиқланган ойна 600 тн/суткасига.
- ООО ZARAFSHON OYNA силлиқланган ойна 300 тн/суткасига.

### **3.4 Маркетинг режаси**

Корхонанинг рақобатбардошлиги қўйидаги омиллар билан таъминланмоқда:

- замонавий техника ва технологияларнинг қўлланилиши
- хом-ашенинг сифат даражаси юқорилиги.
- арzon меҳнат ресурслари
- ишлаб чиқариш харажатларини пастлиги.

## **4 SWOT-таҳлили**

Корхона бизнес режада фаолият турлари ва бозордаги умумий вазиятни аниқ баҳолаш учун SWOT таҳлилини ўтказди. Бунда, корхонанинг кучли ва заиф томонларини, шунингдек, унинг бевосита атроф-муҳитидан (ташқи муҳитдан) келиб чиқадиган имконият ва таҳдидлари аниқланди. Бу мавжуд бўлган барча маълумотларни тизимлаштиришга ва корхонанинг афзаликлари ва камчиликларини аниқроқ тушунишга ва ривожланишнинг энг яхши йўлини танлашга, хавф-хатарлардан қочишига ҳамда мавжуд ресурсларни энг самаралисисдан фойдаланишга имкон беради.

SWOT таҳлилини қўйидаги жадвал орқали кўриш мумкин.

| Кучли томонлар   | Кучсиз томонлар   |
|--|---|
| <ul style="list-style-type: none"> <li>• Брендли махсулотнинг мавжудлиги;</li> <li>• ISO 9001:2015 ва ISO 50001 стандартларига мувофиқ махсулот ишлаб чиқариш;</li> <li>• Ўз савдо ассортиментини бошқариш;</li> <li>• Шиша идишлар ва ойна ишлаб чиқаришда тажрибага эга юқори малакали мутахассислар ва мухандисларнинг</li> </ul> | <ul style="list-style-type: none"> <li>• Махсулот ишлаб чиқариш учун хом ашёнинг вақтида етиб келмаслиги</li> </ul> |

|   |  |
|---|--|
| <p>мавжудлиги;</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Хом ашё ва материалларнинг махаллийлаштирилганлиги;</li> <li>• Молиявий барқарорлик</li> </ul>  |  |
| Имкониятлар   | Таҳдидлар  |
| <ul style="list-style-type: none"> <li>• Қулай инвестицион мухит;</li> <li>• Ривожланган хом ашё базаси;</li> <li>• Ахолининг доимий ўсиши натижасида озиқ овқат ишлаб чиқариш ва уй жой курилишининг ўсиши;</li> <li>• Қурилишнинг ўшиш суратлари;</li> <li>• Мева сабзавот консервалари ишлаб чиқаришнинг ўсиши;</li> <li>• Вино маҳсулотлари ишлаб чиқарилишнинг ўсиши;</li> </ul> | <ul style="list-style-type: none"> <li>• Ойна ва шиша идишлар ишлаб чиқаришда рақобатчиларнинг мавжудлиги;</li> <li>• Бозорни эгаллаш учун рақобатчилар томонидан паст нархларни қўллаш;</li> <li>• Мамлакатга кираётган ойна маҳсулотларининг божхона тўловлари ва йиғимларини бекор қилиниши;</li> <li>• Хом ашё ва материаллар, энергоресурслар хамда транспорт (темир йўл) хизматлари нархларининг ошиши эвазига таннархнинг кўтарилиши;</li> <li>• Табиий газ ва электр энергияси таъминотининг узилиши;</li> <li>• Биржа (сотиш) нархларининг кескин пасайиши;</li> <li>• Хом ашё нархларининг ўсиши;</li> <li>• Ички бозорга юклangan маҳсулот учун тўловни кечикириш.</li> </ul> |

Ривожланган рақобат шароитида корхона ўз ўрнини бозорда янада ишончли бизнесини ривожлантириш мумкин. Ушбу бозорда катта тажриба ва тўғри маркетинг стратегиясидан фойдаланган ҳолда, Корхона рақобатдошлиқ омилларини рақобатдош устунликларга айлантириши ва бозор улушкини

ошириши мумкин. Бозорнинг ўсиши сотилган маҳсулот ҳажмини ва шунга мос равишда фойдани кўпайтиришга имкон беради.

## 5 Энергоресурслар таъминоти ва уларнинг сарфи

Корхонанинг энергия ресурслар билан таъминланганлик даражаси узлуксиз ва доимий бўлиб, хусусан электр энергияси ва табиий газ худудий электр ва газ тармоқ корхоналари томонидан таъминланган. Бундан ташқари сув ва тўйинган буғ корхонанинг тик қудуқлар ва қозон утилизаторлари орқали ишлаб чиқариш жараёнларига етказиб берилади. Корхона ишлаб чиқариш қувватидан келиб чиқиб, 2023 йил учун истеъмол қилинадиган табиий газ миқдори – 98 176,0 минг.м<sup>3</sup>; электр энергия истеъмоли учун 68 570,0 минг кВт.соат; сарфланадиган сув миқдори – 612 820м<sup>3</sup> ни ташкил қиласди.

2022 йил сентябр ойида «ENERGOGAZSERVIS» МЧЖ томонидан энергоаудит ўтказилган бўлиб, ўтказилган энергоаудит натижасида қуйидаги ташкилий-техник чора-тадбирлар тавсия этилди:

- Силлиқланган ойна ишлаб чиқариш цехининг печь қисмида режимли созлаш синовларини ўтказиш ва эксплуатация қилиш бўйича режим картасини ишлаб чиқиш; Кутилаётган иқтисодий натижа -2921,2 минг.м<sup>3</sup>.
- Шиша идишлар ишлаб чиқариш бўлимининг уч №1,2,3 печь қисмида режимли созлаш синовларини ўтказиш ва эксплуатация қилиш бўйича режим картасини ишлаб чиқиш; Кутилаётган иқтисодий натижа -1 423,6 минг.м<sup>3</sup>. табиий газ сарфини;
- Юпқалаштирувчи (утоняющий) машиналарни совутиш тизимида сув хайдовчи 55 кВт эл.двигател ўрнига 45 кВт ли (3000 об/мин) эл.двигателга алмаштириш; иқтисодий кўрсаткич -87 840 кВт.
- Реактив энергияни истеъмолини компенсациялаш учун қўшимча 100 кВар конденсатор батарея ўрнатиш; иқтисодий кўрсаткич – 30 600 кВт. Электр энергия тежаш кўзда тутилмоқда.

## 6 Кўрсаткичлар

### 6.1. Ишлаб чиқарии режаси

#### 6.1.1. Хомашё захираси

Махсулот ишлаб чиқариш учун хом ашё манбалари қуйидагилардан таъминланади:

- Кальцийланган сода – Ўзбекистон;
- Кварц қуми – Ўзбекистон;
- Сульфат натрия – Ўзбекистон;
- Доломит – Ўзбекистон;
- Охактош – Ўзбекистон.

Ойна ва шиша махсулотлари ишлаб чиқариш учун Ўзбекистон Республикасида барча зарур хом ашё мавжуд.

Кварц қуми - Самарқанд вилояти, Ойна қум кварц қумлари.

Кальцийланган сода – Қоракалпоғистон, Қўнғирот сода заводи йилига 200 минг тонна ишлаб чиқариш қувватига эга.

Сульфат натрий – ОАЖ «Кунград Сульфат Натрий»

Доломит – Республикадаги асосий ва энг йирик доломит кони Кашқадаръё вилояти, Дехқонбод карьери бўлиб, унинг захираси 2 624 минг тоннани ташкил этади.

Оҳактош – Андижон вилояти, УП “Ширмонбулоқ Тош кони”

Шиша синиглари – ўз ишлаб чиқариш чиқиндиларидан фойдаланилади ва ички бозордан сотиб олинади.

Юқоридаги хом ашё сифати норма ва стандартларнинг барча талабларига жавоб беради.

Хом ашё ва материалларнинг йиллик эҳтиёжи иловаларда келтирилган.

### ***6.1.2. Тайёр маҳсулотнинг асосий тавсифлари***

Силлиқланган ойна

Сифат ва техник хусусиятлари:

GOST 111-20014 “Стекло листовое” (Техник шартлар); Қадоқланиши: қутиларда, контейнерларда ва пирамидаларда; Ойна қалинлиги: 2,0 мм дан 19,0 мм гача.

Махсулотни қўллаш соҳалари: Ойна бинолар ва транспорт воситаларини ойналаш учун шунингдек мебель ишлаб чиқариш учун қўлланилади.

Тобланган ойна учун халқаро Қоидаларга мувофиқ халқаро сертификат (расмий тасдиқланган ЕЭК ООН №43) мавжуд

Махсулотнинг ТН ВЭД коди - 7005

Шиша банкаси

Сифат ва техник хусусиятлари:

